
МЕВЛЮТ ЧАВУШОҒЛУ ФАРҒОНАДА БЎЛДИ

Туркия Буюк Миллат Мажлиси (Парламенти) депутати, Туркия собиқ ташқи ишлар вазири Мевлют Чавушоғлу мамлакатимизга ташрифи доирасида бугун Фарғона вилоятида бўлди. Чавушоғлуга сафар давомида Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби ўринбосари ўмер Кожаман, Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Равшанбек Алимов ҳамроҳлик қилдилар.

Меҳмонлар дастлаб Марғилон шаҳридаги анъанавий усулда ипак маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Ёдгорлик” корхонасида бўлиб, миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини халқаро бренд даражасига етказётган уста-ҳунармандлар фаолияти билан танишдилар.

Мевлют Чавушоғлу ва ҳамроҳлари Фарғона шаҳрида барпо этилаётган Экошаҳарда ҳам бўлдилар. Ўзига хос замонавий кўринишга, бино-иншоотларга эга бўлган 300 гектар майдонни эгаллаган янги шаҳарчадаги кичик саноат ҳудуди, 70 гектарлик “Янги Ўзбекистон” боғи, барпо этилаётган 7-25 қаватли 300 та кўп қаватли турар-жойлар ва замонавий ижтимоий объектлар уларда катта қизиқиш уйғотди.

Фарғона шаҳридаги Central Asian Medical University олийгоҳида бўлган меҳмонлар, талабалар учун яратилган шароитлар ва қулайликлар билан танишдилар. Лойиҳа қиймати 5 миллион доллар бўлган симуляцион марказ ва лабораториялар уларнинг алоҳида эътиборини тортди.

Мевлют Чавушоғлу ташриф якунида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров билан учрашди. Мулоқотда мамлакатларимиз раҳбарларининг дўстона муносабатлари ва сиёсий иродалари давлатларимиз ўртасида барча соҳалардаги алоқаларни мутлақо янги босқичга олиб чиққани ҳамда ўзаро ҳамкорликнинг жадаллашишига омил бўлгани алоҳида қайд этилди. Яратилаётган шароитлар натижасида ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш имконияти мавжудлиги таъкидланди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-11-04 23:08:56